

## НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ТАОМ НОМЛАРИ

Худаярова М. – филология фанлари номзоди,

Нукус ДПИ доценти

Муродова Г. – Нукус ДПИ ўқитувчиси

Навоий асарлари тили нафақат ўзбек тилшунослиги доирасида, балки бутун туркий тиллар тарихи, аллақачонлар шаклланган жаҳон навоийшунослиги йўналишида жуда кўп чет эл туркологлари тадқиқотларида ўрганилмоқда [6:54-58]. Шоир асарлари, унинг кўп томлик (20 томлик) ва алоҳида янги-янги нашрлари эълон қилинмоқда. Бугунги кунга келиб Навоий асарларига бағишланган махсус луғатларнинг тузилиши, қадимги, эски туркий, эски ўзбек тили тараққиётини, шоир эски ўзбек (туркий) адабиёти эришган барча ютуқларни ривожлантириб, бутун туркий тилни, хусусан эски ўзбек адабий тили лексик имкониятларини ўз ижоди билан юксак тараққиёт босқичига кўтарди.

Навоий асарлари тили лексикаси, унинг ҳар бир асарлари алоҳида-алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилган бўлса-да [7:25-31; 8:58-61; 5:19-23; 9:70-72], шоир асарлари тилини, хусусан лексикасини лексик-семантик нуқтаи назардан тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳар бир сўзнинг лексик-семантик доираси кузатилади, шоирнинг асарлари тили луғат таркибида тарихий даврлар ўтиши натижасида маълум ўзгаришлар юз бериши табиий.

Навоий асарлари луғатлари таом номларининг негизини, лексик қатламларини аниқлашга ёрдам беради.

Навоий асарларидаги *ўркумач* – бир хил таом, *улоба* – иссиқ овқатнинг тури [9:720-729], *шилон//шулон* – умумий таом [3:526] каби таом номлари тарихий номга айланган.

Таом номлари узоқ тарихий жараёнлар давомида юз берган эскиришнинг маҳсулига айланган ва бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган. Лекин улар тил тарихининг мулки, халқ ўтмишининг ёдгорлиги сифатида ёзма манбаларда сақланиб қолган.

Навоий асарларидаги *марақ* – шўрва [9:363], *ўтмак* – нон [2:617] каби таом номлари ҳам эскирган номлардир.

Навоий асарларида қўлланилган айрим таом номларининг ўзгармасдан қўлланилиб келаётганлигини ва улар ҳозирги кунгача сақланиб қолганлигини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

1) *нон маҳсулотлари номлари*: экмак, ўтмак (нон) [2:562-617], кулоч (ширин нон) [3:239], қатлама [3:22], фатир (патир) [9:115] каби.

*Кўмган кулинг ичра ҳар фатири*

*Кўк хони аро моҳи мунири*

**Патир** – арабча *ал-фатир* сўзидан олинган бўлиб, *оширилмаган, кўптирилмаган* деган маънони билдиради [11:237].

Шунингдек, Алишер Навоий асарларида *кўмоч//қўмоч* нон маҳсулоти номи учрайди: *Яна тутмоч ва умоч ва кўмоч ва толгонни ҳам туркча айтурлар*[3:151].

**Кўмач** – чўғнинг иссиқ кулига кўмиб пишириладиган нон. Бу таом номи қадимги туркий тилда чукурга жойлаб, устини тупроқ билан беркит –маъносини англатувчи *кўм* – феълидан *-(а)ч* кўшимчаси билан ясалган. Ўзбек тилида *о* унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган *кўм-+ач=кўмач//комач* [10:227].

2) *сут маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номлари*:

**Қурт** – сузма юмалоқ шаклда қуритилиб тайёрланадиган маҳсулот. Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу таом номи “*суви, нами қочиб, қуруқ ҳолатга кел-*” маъносини англатувчи *қуры-* феълидан *-т* орттирма нисбат кўшимчаси билан ясалган ва кўшимча кўшилгандан кейин қадимги туркий тилдаёқ иккинчи бўғиндаги *ы* унлиси у унлисига алмашган: *қуры-+т>қурут* [10:578]. Навоий асарларида *қурут* шаклида берилган: *Ва яна баъзи емаклардин ... қурут ва улобани ҳам туркча айтурлар* [1:81].

**Қаймоқ** – сут пишгандан кейин юзасига йиғиладиган ёғ. Навоий асарлари луғатида *қаймоғ* тарзида берилган: *Ва яна баъзи емаклардин ва қаймоғ ва қатламани ва ... ҳам туркча айтурлар* [1:22].

**Қимиз** – от сутидан тайёрланган ичимлик. Навоий асарларида *қимиз* тарзида берилган: *Ва қимизни ва сузмани ва бохсумни ва бўзани даги туркча айтурлар* [1:108].

3) *ширинлик номлари*. Навоий асарлари луғатида *толгон* шаклида қўлланилган: *...ва толгонни ҳам туркча айтурлар* [1:116].

**Ҳолва** – бу ширинлик номи Навоий асарларида *ҳалвиёт, ҳалво, ҳалова* тарзида қўлланилган: *Топиб гаҳ Марям оғушида ором*

*Шакар ҳалвосидин гоҳи олий ком* [3:143-144].

Шунинг билан бирга Навоий асарларида *қовурмоч* (қовурилган дон) [1:135], *буламиқ, манти ва қуймоқ* каби таом номлари ҳам қўлланилган:

*Сортлар буломозни туркча айтурлар [3:135]. Ва яна баъзи емаклардин манту ва қўймоғ ва ўркамачни ҳам туркча айтурлар [9:116].*

Юқорида кўриб ўтганимиздек, таом номлари жуда қадим даврларга хос бўлиб, айримлари эскириб ўрнига янги номлар пайдо бўлган, баъзилари эса то ҳозирги кунгача сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин эскирган таом номлари ўша даврлар колоритини бериш учун бадий адабиётларда қўлланилиши, тарихий солномаларда ишлатилиши мумкин.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1948. Т.Ш. – Б. 81.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1984. Т.Ш. – Б. 617.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1985. Т.IV. – Б. 143-144.
4. Бафоев Б “Хамса” лексикаси бўйича кузатишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – №1. – Б.19-23.
5. Исматуллаев Х. “Муҳокаматул-луғатайн”нинг чет элларда ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – №2. – Б.54-58.
6. Каримов А.”Фарҳод ва Ширин “достонида кўчма маъноли сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №3. – Б.25-31.
7. Каримов А. Навоий лексикасининг бир қатлами // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – №2. – Б.58-61.
8. Маматов Ҳ. “Маҳбубул қулуб”нинг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – №1. – Б.70-72.
9. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 720-729.
10. [https://scholar.google.ru/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=0cLPViEAAAAAJ&citation\\_for\\_view=0cLPViEAAAAAJ:9yKSN-GCB0IC](https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=0cLPViEAAAAAJ&citation_for_view=0cLPViEAAAAAJ:9yKSN-GCB0IC)
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, III жилд, 2007. – Б. 237.